
"ЯШИЛ МАКОН" АКЦИЯСИ

Президентимиз ташаббуси билан бошланган „ Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида туманда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш қизғин кетяпти.

Ёзёвон савдо мажмуасида „ Яшил макон" умуммиллий, „ Яшил йиллик" лойиҳалари доирасида акция ўтказилди. Акцияда иқтисодиёт, қурилиш, ижтимоий, қишлоқ хўжалиги мажмуаларига кирувчи корхона ташкилотлар, маҳаллалар иштирок этдилар.

Туман ҳоқими Дилшоджон Джалилов раҳбарлигида ҳоқим ўринбосарлари кўчатлар кўрғазмасини кўздан кечирдилар. Кўрғазмада кўчатлар савдоси ҳам ташкил этилди.

Акция давомида 20 минг тупдан зиёд мевали-манзарали дарахт кўчатлари тақдим қилинди. Биргина фермер деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан 10 минг туп мевали дарахт кўчатлари олиб келинди.

Мутасадди раҳбарлар кўчатлар билан ўзларига бириктирилган ҳудудларда ишни ташкиллаш учун йўл олдилар.

Ёзёвон тумани ҳоқимлиги ахборот хизмати.

2023-03-11 14:42:11